«ТАСДИҚЛАНГАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
Дори воситалари ва тиббий техника
сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси
3.10.2016г. №19

# ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
## СТАФИЛОКОКК СУЮҚ БАКТЕРИОФАГИ "MediPhag"
## BACTERIOPHAGE STAPHYLOCOCCAL LIQUID "MediPhag"

**Препаратнинг савдо номи:** Стафилококк суюқ бактериофаги «MediPhag»
**Халқаро патентланмаган номи:** Стафилококк бактериофаги
Bacteriophage staphylococcal
**Дори шакли:** препарат турли жадалликдаги сариқ рангли, тиниқ суюқлик. 10 мл дан 5 флакон, 20 мл дан 4 флакон ва 100 мл дан 1 флакон ёки 20 мл дан 1 флакон дозатор- пуркагичли қопқоқ (спрей) билан, картон қутида.
**Препаратнинг таркиби:**
***1 мл препарат қуйидагиларни сақлайди:***
*фаол моддалар:* Staphylococcus aureus бактериялари фаголизатларининг стерил тозаланган фильтрати, камида 1x10 КОЕ/мл.
*ёрдамчи моддалар:* консервант, хинозол 0,00001 г/мл ёки суюқ фаг хажмининг 0,001%. Тозаланган сув.
**Таърифи:** турли жадалликдаги сариқ рангли тиниқ суюқлик.
**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Иммунобиологик препарат – стафилококк бактериофаги, бактерияларнинг спецефик вируслари бўлиб, улар Staphylococcus aureus микробларини лизис қилади.
**Фармакологик хусусиятлари**
Стафилококк бактериофаги – йирингли ва яллиғланиш касалликларининг этиологиясида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган стафилококкларнинг штаммларига нисбатан специфик бактерицид таъсирга эга бўлган дори препаратидир. Бактериофаг Staphylococcus бактерияларини специфик лизисга учратади. Фаг заррачалари сезгир бактерияларнинг мембранасига ёпишади, хужайра ичига киради ва унинг ресурслари ҳисобига кўпаяди. Бунинг оқибатида хужайра нобуд бўлади ва бошқа сезгир бактериал хужайраларни зарарлаш қобилиятига эга етилган вирулент фаг қисмларини ажралиб чиқиши кузатилади. Стафилококк бактериофаги бошқа хужайраларга таъсир кўрсатмайди, хусусан табиий микрофлорани бузмайди.

**Қўлланилиши**
Препарат барча ёшдаги ва юқори хавф гуруҳдагиларда Staphylococcus aureus томонидан чақирилган бактериал йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш ва олдини олиш учун қўлланади.
***Қуйидагиларни даволаш:***
- жаррохлик инфекциялари: йирингли яра, куйиш, абсцесс, флегмона, фурункул, карбонкул, гидраденит, панариций, парапроктит, мастит, бурсит, остеомиелит.
- урогенитал инфекциялар: уретрит, цистит, пиелонефрит, кольпит, эндометрит ва сальпингонефрит.
- гастроэнтерологик касалликлар: энтероколит, холецистит, таъсирланган ичак синдроми (ТИС), дисбактериоз.
- юқори нафас йўлларининг бактериал инфекциялари: бурун бўшлиқлари ва ўрта қулоқни яллиғланиши, ангина, фарингит, ларингит, трахеит, бронхит, пневмония ва плевритни даволаш учун қўлланилади.

***Профилактика:***
- янги жароҳатларга ишлов беришда.
- жаррохлик муолажалари ва операциялардаги йирингли асоратларида.
- ўткир респиратор-вирусли касалликларда бактериал асоратларида.
- она қорнида инфекцияланган, янги туғилган чақалоқлардаги сепсис ва энтероколитда.
- даволаш муассасаларида бактериал ифлосланиш ва касалхона ички инфекцияларини профилактикасида қўлланилади.

**Қўллаш усули ва дозалари**
Самарали фаготерапиянинг муҳим шарти бўлиб, дастлаб касаллик қўзғатувчисининг фагосезувчанлигини аниқлаш (бемордан ажратиб олинган штаммларнинг стафилококк бактериофагига сезувчанлигини аниқлаш) ҳисобланади. Стафилококк бактериофагини касалликнинг илк босқичида қўллаш, шунингдек уни инфекция ўчоғига юбориш энг самарали ҳисобланади. Инфекция ўчоғини жойлашишига қараб, суюқ стафилококк бактериофаги :
*маҳаллий* – чайиш, ювиш, томизиш, аппликациялар, тампонлар, турундалар кўринишида. Капилляр дренаж, катетер орқали бўшлиқлар (қорин, плевра, бўғим, қовуқ) ичига юбориш йўли орқали;
*ичга қабул қилиш (per os) йўли орқали;* клизма ёрдамида тўғри ичакка (per rectum) юбориш мумкин. Маҳаллий шикастланиш билан кечувчи йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш учун суюқ стафилококк бактериофаги ҳам маҳаллий, ҳам ичга қабул қилиш (per os) учун буюрилади. Препарат билан даволаш курси давомийлиги 5 кундан 10 кунгача.
Препаратнинг дозаси инфекция ўчоғининг характери билан белгиланади ва қуйидагиларни ташкил этади; 200 мл гача (шикастланган ўчоқнинг ўлчамини ҳисобга олиб) – чайиш, намлаш, тампонлар; 100 мл гача – бўшлиқлар (плеврал, бўғим ва бошқа чегараланган бўшлиқлар) ичига юбориш учун капилляр дренаж орқали юборилади. Сўнгра бўшлиқ тўлиқ тикилади ёки капилляр дренаж қолдирилади, у орқали бир неча кун давомида бактериофаг такроран юборилади.
1.Абсцессларда пункция ёрдамида йиринг олиб ташлангандан кейин препарат ўчоқ бўшлиғига юборилади. Юборилаётган препаратнинг миқдори олиб ташланган йирингнинг хажмидан бироз кам бўлиши керак. Йиринг абсцессни очиш йўли билан олиб ташланиши мумкин, кейинчалик бактериофаг билан намланган тампон бўшлиққа қўйилади.
10-20 мл – остеомиелитда яраларга юбориш учун (тегишли жаррохлик ишловидан кейин) қўлланилади.
2-10 мл – қулоқ, томоқ, буруннинг йирингли-яллиғланиш касалликларида чайиш, ювиш, томизиш, турундаларни намлаш учун қўлланилади. Муолажа кунига 1-3 марта ўтказилади (турунда 1 соатга қолдирилади). 11 ёшгача бўлган болаларда бодомсимон безларга шприц (ёки спрей) ёрдамида ишлов бериш ва ҳалқумнинг орқа соҳасига ишлов бериш учун препаратни бурунга томизган афзал; катта ёшдаги болалар томоқни чайишлари ва препаратнинг оз миқдорини (2 мл) бурунга томизишлари мумкин.
2.Цистит, пиелонефрит, уретритларда препарат ичга қабул қилинади. Агар қовуқ ёки буйрак жоми дренажланган бўлса, бактериофаг катетер ёки зонд орқали 20-30 мл дан қовуққа ва 10 мл дан буйрак жомига кунига 2 марта юборилади.
3.Staphylococcus aureus микроорганизм томонидан чақирилган энтерал патологияда, ТИС (дисбактериоз) да суюқ стафилококк бактериофаги ичга ва клизма кўринишида қўлланади. Препарат овқатдан 1-1,5 соат олдин оч қоринга қабул қилинади. Клизма кўринишида кунига 1 марта, кечқурун, уйқудан олдин, ичак бўшаганидан кейин буюрилади.

Препаратнинг тавсия этилган дозалари:

| | Ёш | Ичга (per os) | Клизма (per rectum) |
|---|---|---|---|
| 1 | 6 ойликкагача | 5 мл бир марта қабул қилиш учун, кунига 1 марта, 5-7 кун | 10 мл кунига бир марта, 5-7 кун |
| 2 | 6 ойликдан 12 ойликкагача | 5 мл бир марта қабул қилиш учун, кунига 2 марта, 5-7 кун | 10 мл кунига бир марта, 5-7 кун |
| 3 | 1 ёшдан 3 ёшгача | 5 мл бир марта қабул қилиш учун, кунига 3 марта, 5-7 кун | 20 мл кунига бир марта, 5-7 кун |
| 4 | 3 ёшдан 8 ёшгача | 10 мл бир марта қабул қилиш учун, кунига 2-3 марта, 5-7 кун | 30 мл кунига бир марта, 5-7 кун |
| 5 | 8 ёшдан ошганлар | 20 мл бир марта қабул қилиш учун, кунига 2-3 марта, 5-7 кун | 40-50 мл кунига бир марта, 5-7 кун |

Пуркагич (спрей) кўринишидаги бактериофаг даволаш ва профилактика мақсадида стафилококк билан зарарланган тери қаватига, шиллиқ пардаларга, куйган сохага, йирингли яраларга ишлов беришда ва ангинада ишлатилади.
**Ножўя таъсирлари**
Препарат заҳарли эмас. Бирон-бир ножўя таъсири аниқланмаган. Сезувчан пациентларда аллергик реакциялар булиши мумкин.
**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**
Препаратни бирон-бир компонентига ўта юқори сезувчанлик булганда.
**Дориларнинг ўзаро таъсири**
Препаратни ҳар қандай гуруҳдаги дори воситалари билан бирга қўллаш мумкин.
**Махсус кўрсатмалар**
Бактериофаг билан даволашни иложи борича эрта бошлаш керак. Препаратни қўллашдан олдин чайқатиш керак. **Хира препаратни ишлатиш мумкин эмас**. Агар бактериофагни қўллашдан олдин ярага ишлов бериш учун кимёвий антисептиклар ишлатилган бўлса, у ҳолда ярани 0,9% ли натрий хлориднинг стерил эритмаси билан яхшилаб ювиш керак. Препарат атроф - муҳитдаги бактериялар ривожланиши мумкин бўлган озуқа муҳитини сақлайди. Шу сабабли, флакон очилганда, препарат олинганда ва сақланганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:
- Қўлларни яхшилаб ювиш керак;
- Флакон қалпоқчасини очишдан олдин уни спирт эритмаси билан ишлов бериш керак;
- Қалпоқчани тиқинни олмасдан очиш керак;
- Очилган флакондаги препаратни стерил шприц ёрдамида (тиқинни тешиш орқали) олиш керак;
- Агар флаконни очишда қалпоқча билан бирга тиқин ҳам чиққан бўлса, флаконни очиқ қолдириш мумкин эмас;
- Очилган флаконни совутгичда сақлаш керак. Тегишли шароитларда сақлаганда флакон очилгандан кейин 24 соат давомида препаратни ишлатишга йўл қўйилади.
- Спрейдан фойдаланилганда флаконни қалпоқчаси билан юқорига қаратилган вертикал ҳолатда ва пуркагич ишлов берилаётган юзага қаратилган ҳолатда ушлаш керак.

**Ҳомиладорлик ва лактация даври**
Бактериофагни ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш мумкин.
**Дозани ошириб юборилиши**
Дозани ошириб юборилиши тўғрисида маълумотлар таърифланмаган.
**Чиқарилиш шакли ва ўрами**
5 та 10 мл, 4 та 20 мл, 1 та 100 млдан шиша флаконларда ва 20 мл шиша флаконда дозатор- пуркағичли қопқоқ (спрей) билан ёпилган, давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланган.
**Сақлаш шароити**
Қуруқ, қоронғи жойда, +2°C дан +15°C гача бўлган ҳароратда сақлансин. Препаратни болалар ололмайдиган жойда сақлаш керак ва уни яроқлилик муддати ўтганидан кейин ишлатилмасин.
**Яроқлилик муддати**
2 йил.
**Дорихоналардан бериш тартиби**
Рецептсиз.
**Ишлаб чиқарувчи:**
"AZIYA IMMUNOPREPARAT" МЧЖ,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнус-Обод тумани, 17 даҳаси, саноат зонаси, шимолий қисми, №2 участкаси. Телефон +998712209144